

## ХРОНОТОП ТУШУНЧАСИННИГ АНТИК АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДА АҚС ЭТИШИ

Пардаев Тұлқин

Алфраганус Университети

Хорижий филология кафедрасы Үқитувчиси

**Аннотация:** Баддийликнинг моҳиятида одамзоднинг руҳий-ижтимоий, фалсафий-маданий турмуш тарзи аксланаар экан, ундан англашиладиган асосий тушунча – борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг мувофиқ бир-бирига түғри келганлигини далолатлайди. Чунки мовофиқлик негизида ҳар бир компонент, баддийликнинг муҳим шартлари ўзаро үйғунлик касб этган бўлади. Мана шу тамойил, баддий макон ва замон (хронотоп) оралиғида содир этилиб, ёзувчининг дикқат марказида қаҳрамон ва муҳитнинг энг кичик зарраларигача туради. Бу яшаб ўтилган давр билан романдаги содир бўлаётган хатти-ҳаракатлар бирлигида юзага чиқади.

**Калит сўзлар:** Европа романлари, янги ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги, модернизм, сайёр сюжет.

Бинобарин, баддий хронотоп муаммосини илк бор рус мунаққиди антик юонон романлари мисолида талқин қилиб, масалага теран назарий-илмий жиҳатдан ёндашишга эришган бўлса, қарийб тган 50-60 йил давомида кўплаб тадқиқотлар вужудга келди. Макон ва замон тушунчаси, айниқса, поэтик талқин оҳорининг ўзига хослигигача мураккаб тасвир усууларини ҳам аниқлай олгани илм-фанда, янги ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида катта ўзгаришлар ясай олгани таҳсинга сазовордир. Баддий асар яратилган вақт, унинг моҳиятидаги воқеликнинг қай тариқа намоён бўлиш модуслари ҳаммасида ёзувчининг ижодий концепцияси ўз ифодасини топганлигини ҳис этамиз.

Рус мунаққиди Михаил Бахтин қайд этишича: “Антик заминдаёқ романнинг уч муҳимм бирлиги, романга хос замон ва маконнинг уч муштарак ўзлаштириш усули, қисқача айтганда, уч роман хронотопи майдонга келган эди. Мазкур уч тип фавқулодда маҳсулдор мослашувчанлиги билан авантюр роман ривожини XVIII аср ўрталарига

қадар ҳар жиҳатдан таъминлаб келди. Шунинг учун ишни мазкур уч типга мансуб романларнинг батиафсил таҳлилидан бошлиш, сўнгра навбати билан уларнинг Европа романларига хосланган вариацияларини аниқлаш, пировардида эса бевосита заминида пайдо бўлган романларга оид янгиликларни белгилаш мақсадга мувофиқдир”<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, ўрат асрлар Европа халқларининг “сайёр сюжет”га асосланган бадиий ютуқлари, трагик асарлар билан сероблиги билан ажralиб туради. Кейинчалик бу асарлар насрый йўсинда ибтидо олиб, жанрнинг янгича ифода шакллари, танқидий реализм, реализм, модернизм каби қатор оқимлар фонида аста-секин юзага чиқарди. Бунинг замирида ўша бадиий хронотоп, тасодиф, кутилмаган бурилишлар билан ўқувчиларга суюмли бўлиб туюлар, ёзувчилар айни тасвир модусларининг устида тинимсиз меҳнат қилас, ҳақоний одамлар яшашини, ҳаёт кечиришини қаламга олар, натуралистик ғояларни кўпроқ асар композициясига олиб киришарди. Бу ҳолат биринчи жаҳон уруши бошлангунга қадар давом этган бўлса, кейинчалик роман поэтикаси ҳам тубдан ўзгарди. Тасвир ва талқинда алоҳида бир эврилишлар пайдо бўлди.

Бадиий хронотопнинг лирик, эпик ва драматик асарлардаги талқини бўйича қатор тадқиқотлар яратилган бўлиб, муаммонинг биз кўзлаган жиҳатларига алоҳида тўхталмаган. Проф. У.Жўракулов мазкур муаммога Бахтиннинг харонотоп назарияси асосида Алишер Навоийнинг “хамса” достонидаги хронотоп шаклларига монографик палнда тўхатилиб, мутафаккирнинг достонни ёзишлиши, макон ва замон тавсилларини теран идрок этган ҳолда талқин этишини қайд этиш зарур<sup>2</sup>.

Ушбу монографияда халима-хил жанрлар негизида хронотоп масаласи ўзининг янгича талқинини намоён этади. Проф. У.Жўракулов бу ҳақда қуидагиларни эътироф этади: “Роман адабий жанрлар тараққий этган даврларда рўй берадиган умумий синтезлашув, канонлашув, узвийлашув жараёнларида иштирок этмайди. Адабий жанрларнинг улкан церкулятив ҳаракатларидан четда туради. Айни пайтда бошқа жанрлар тараққиётига ҳам, шакл ва мазмунига ҳам ўз-ўзича таъсир кўрсатади. Бу поэтик таъсирланув ҳодисасидан нафақат насрый жанрлар, балки лирик ва драматик жанрлар ҳам бебаҳра қолмайди. Айни ҳолат романнинг бошқа

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: “Akademnashr”. 2015. –Б.46.

<sup>2</sup> Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.356.

жанрий шаклланув жараёнларида тобе сифатида эмас, ягона ҳоким куч сифатида иштирок этишини, ўз-ўзича ҳаракат ва ўзгаришдаги, замон ҳаракати, табиати билан ҳаммаром эанр эканини кўрсатади”<sup>3</sup>. Жумладан, ҳар бир жанрнинг ривожланиш тенденциялари бўладики, антик юонон эпосларидан ўсиб чикқан романларнинг аксарияти XX асрларга келиб, шакл ҳамда мазмуний ифодаланиш хусусияти билан тез суратда катта ўзанларнинг чуқурлашувига олиб келди. Мана шу теранлик ёзувчининг ҳар бир асарида қай йўсинда ифодаланиш маромини ҳам тубдан ўзгаришга туртки бўлди.

Проф. А.Носиров “Одил Ёқубов романлари поэтикаси” монографиясида бадиий хронотопнинг тарихий роман воқелигида юзага чиқиш услубини ўрганади<sup>4</sup>. Шунингдек А.Носиров бу ҳақда шундай ёзаркан. Ренал замон ва маконнинг аниқ чегараси ёзувчи нуктаи назаридан ибтидо олганини далолатлайди: “Инсон ҳаётида замон тушунчаси катта аҳамиятга эга. Ҳақиқатдан ҳам бадиий асарларда вақтни акс эттириш, айниқса, тарихий асарларда тарихни ёрита билишга туташади. Тарихий замон адабий замон анъанавий турларидан бири бўлиб, бадиий асарда ўзига хос кўриниш қирраларига эга бўлади. Инқилобий тарих кенг қамровга эга бўлишига қарамасдан, вақт қисқаради, асар сюжети ҳодисалар атрофида чегараланиб, улар эса, ўз навбатида, халқ ҳаётида қадамба-қадам аҳамиятга эга бўлади. Бадиий асарларда ўзлаштирилган вақт ва маконнинг узвий алоқаси натижасида ҳаётий воқеалар силсиласи билан бир қаторда, давр кишиларининг турли хислатлари ёритилади”<sup>5</sup>. Келтирилган манбадан англашиладики, тарихий роман билан замонавий романдаги бадиий макон ва замон масаласи алоҳида эстетик илмий категория сифатида эканлигини билиш мумкин. Негаки, тарихий асар ўтган замондаги бўлиб ўтган воқеликнинг ўзиdir. Замонавий романда воқелик ҳали содир бўлгани унча узоқ бўлмаган, айни ҳозир бўлиб ўтаётган, давом этаётган воқеликнинг ифодаси сифатида қараш мумкин.

Хронотопнинг назарий жиҳатларига дикқат қаратиш баробарида, роман жанри қандай пайдо бўлган, романий тафаккур ҳақиқатдан ҳам ана

<sup>3</sup> Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.80.

<sup>4</sup> Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. –Т: “Фан”. 2012. –Б.160.

<sup>5</sup> Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. –Т: “Фан”. 2012. –Б.91.

шу мезонларнинг бир қисмини ўзида акс эттирадиган жанрлардан бири эканлигини текшириш лозим. Романинг бу хилида мавжуд масалалар ўзининг поэтик талқинини муентазам янгилаб боришга қаратилгани билан ўлчанади.

*Романинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт тенденциялари.*

Романинг пайдо бўлиш омиллари ва тараққиёти хусусида проф.Д.Қуронов: “Романга бағишланган илк маҳсус тадқиқотлардан бири – “Романларнинг пайдо бўлиши ҳафида рисола” (1666)нинг муаллифи Пьер-Даниэль Юэ жанрнинг ибтидосини Прованс ё Италиядан излаш хатолигини, унинг илдизларини жуда қадимдан, узоқ ўлкалардан қидириш кераклигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, роман антик даврларда юзага келган ва узоқ асрлар давомидаги ривожланиш жараёнида ҳозирги ҳолига келган. Масалага тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан қарагани учун ҳам Юэ ўз даврига келиб “роман жанри” тушунчаси ўзгарганини назарда тутади ва эндиликда роман деганда “ўқувчиларга завқ бериш орқали насиҳат қилиш мақсадида тўқиб чиқарилган севги тарихини насрда маҳорат билан тасвирлаган” асар тушунилишини таъкидлайди”<sup>6</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, бадиийлик шартлари ва талқин қилиш йўсинига кўра романларнинг жуда кўпчилигига – халқнинг руҳини, одамларга завқ улашиш орқали дидактик таъсир қилиш муҳимлиги ўша даврларда етакчи концепция эди. Чунки панд-насиҳат адабиётнинг ажralmas қисми, муштараклиги бўлиб, Xx аср бошларига қадар бу анъана ўзининг турли хил шаклу шамойилида яшаб келди. XX асрнинг бошларига келиб ёзувчилар ҳажмни ҳам, ифодани ҳам, макон ва замонда рўй берадиган воқеликни ҳам тубдан ўзгартиришга қараб ифодани қуюқлаштириди. Бунинг натижасида – хронтоп тушунчасининг қамрови ҳўйла кенгая бошлади.

Тарихий шароит тақозосига кўра жанринг тенденцион тараққиёти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Жанрлараро синтез ҳодисаси ҳар бир даврнинг ўзига хос конкрет назарий ҳақиқатларини айтиб туради. Бирор-бир жанрнинг тараққиётини илмий-нуқтаи назарда текшириш, унинг шаклланиш жараёнига баҳо бериш, муаммонинг илдизига теран кириб боришга етаклайди. Чунки роман поэтикасида инсон ва унинг матфаатлари, даврнинг, замоннинг, энг муҳими вақтнинг орасида рўй

<sup>6</sup> Қуронов Д. Завқимдан бир шингил. –Т: Akademnashr. 2012. –Б.5.

бераётган хилма-хил воқеаларни бир нуқтада жамлай олиши билан муайянлашади. Ундаги мавзунинг очиб берилиши, муаммонинг, ғоянинг тўғри танланиши, бадиий тўқима ва ҳаётий ҳақиқатнинг уйғунлашув жараёни шулар жумласидандир. Ёхзувчи ўз қаҳрамонларининг қандай мухитда яшашини, нималарга қодир, ожиз, квчли ва мураккаб шахслигини ҳам жуда яхши билади. Ўзи яратган қаҳрамонлар оламида бениҳоя кеенг сайд қиласиди. Унларнинг фожеасидан ҳам, ютуқ ва камчиликларидан ҳам воқиф бўлади.

Маълумки, роман тарихи назарияси билан боғлиқ узвий масаладир, - дея ёзади С.Мирвалиев – уларни бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Масалан, гап роман тарихи ҳақида борадиган бўлса, роман терминининг пайдо бўлиши, роман жанри табиатига хос хусусиятларнинг вужудга келиши, унинг манбалари ва имкониятлари билан боғлиқ масалаларсиз жанр тарихи ҳақида сўзлаш қийин. Шу билан бирга, ҳар бир миллий адабиётни жанрларсиз тасаввур этиш ҳам мумкин эмас. жанр – адабиётнинг конкрет кўриниши бўлганлигидан, уни ўрганиш адабий-тарихий процессларни чуқурроқ тушунишга ва ҳар бир ёзувчининг ана шу процессга кўшган индивидуал ҳиссасини аниқлашга имкон беради<sup>7</sup>. Кўринадики, бирор жанрнинг назарий томонларини ўрганишда ўша жанри яратган даврнинг қиёфасини, ижодий тутумларини ҳам ёдан чиқармаслик лозимлигини уқтиради. Чунки ҳар бир жанрнинг келиб чиқиши ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тушунчалар негизида тараққий этиб, мукаммалашиб, ўзгариб боради. Бу ўсиш ўзгаришларнинг моҳиятида инсонни кашф қилиш йўсинлари ҳам турфаланади. Инглиз тилида икки хил термин мавжуд. Биринчиси П.Декс таъкидлаган “роман” (roman) атамаси ўрта асарлар ҳамда фантастик асарларни назарта тутганлиги аёнлашади. Иккинчи атама эса “новелла” – Англия, Франция, Италияда яратилган новеллистик романларни назарта тутишади. Демак, ҳар бир жанрнинг ўзига хос қонун-қоидалари бўладики, бусиз бирор халқ адабиётидаги турғун атамалар ўзининг келиб чиқиш маконини англатмайди. Кўчиб юрувчи сюжетлар, аслида эпоснинг (трагедия, комедия)нинг ворислари эканлигини келтириб чиқаради.

XII-XIII асрларда пайдо бўла бошлаган романнинг тараққиёти давомида қанчалар шаклу шамойилга эгалигини ҳозир таҳлил қиласидиган

<sup>7</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Т: “Фан”. 1969. –Б.5.

бўлсак, муаммонинг моҳияти янада ойдинлашади. Негаки, ўша даврларда ҳам, антик юонон маданиятининг гуллаб яшнаган давраида ҳам одамлар – роман учун кўп киритилмас, фақат подошлар ва бир-икки шахзодалар ҳаёти мантиқан олиниб, саройдаги зулм ва адоват бош мезон сифатида траги якунланади. Аста-секинлик билан буларга барҳам берилиб, романнинг тасвир қамрови кенгайди. Тараққий этди ҳамда образалр хилма-хиллашиб, ундаги воқелик ҳам жуда турфалаши.

Рус мунақиди роман ҳақида қуйидагиларни баён этаркан: “грек эпопеяси учун бу мазмун ҳеч вақт мазмун бўла олмасди: қадим замонда жамият, давлат, ҳалқ бўлган, лекин индивидуал шахсият сифатида одам мавжуд эмас эди, шунинг учун грекларнинг эпопеясида ва шунинг каби драмасида фақат ҳалқ намояндалари – ярим худолар, қаҳрамонлар, подшоҳлар ўрин ола билганлар. *Роман учун ҳаёт одамдадир*, инсон қалбининг, инсон руҳининг мистикаси, инсон тақдири, ҳалқ ҳаётига унинг ҳамма муносабатлари роман учун бой материалдир. Романда Ревекка албатта малика, ёки Юдифъ каби қаҳрамон бўлиши бутунлай лозим эмас. У хотин бўлиши романга кифоя”<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, антик юонон адабиётидаги эпосдан ўсиб чиққан Европа авантюр романчилиги Аристотельнинг “Поэтика” асарида ҳам талқин қилинади. Роман учун хамир туруш бўладиган воқеликнинг ўзида ҳамиша бир-биридан жиддий тафовутланадиган реал манзаралар ҳам кўзга ташланиши табиий. Чунки табиий ва ишонарли бўлиши учун ёзувчи бадиий тўқимани жиддий ишлайди, ҳалқнинг қалбига яқинлашади, муаммоларни осмондан эмас, оддий одамлар майший турмушидан озиқлантиради. Мистик-фантастик тасвирлар ёзувчи дунёқараши, тасаввурининг маҳсули эканлигини ҳам ўзига хос тасвирларда учратиш мумкин.

Инглиз романчилик мактаби ҳам тарихий тараққиёт йўлларини босиб ўтди. Ўрта асрлар рицарлик романининг мавзу-мундарижасида ҳам қаҳрамонлик эпосидан ибтидо олган воқелар силсиласи туради. Инглиз адаби **Томас Мэлори** туғилган йили номаълум, вафоти 1947 йил деб белиганади. Унинг бизгача етиб келган “Артурнинг ўлими” романи муаллиф вафотидан кейин дўсти Вильям Кэкстон номи билан нашр қилинади. Кейинчалик асарнинг қўллёзмалари ҳам топилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. У 1947 йил адабий синчи Ю.Винавер томонидан

<sup>8</sup> Белинский В.Г. Танланган асарлар. –Т: Адабиёт ва санъат. 1955. –Б.177.

нашр этилган.

Яна бир машхур инглиз уйғониш даври адабиётининг ilk намоёндаларидан бири ёзувчи ҳамда файласуф **Томас Мор** ҳақида 1478-1535 йиллар оралиғида яшаб ижод қиласы. Ижодий фаолияти давомида уша даврдаги Қирол Генрих VIII саройида юксак лавозимда, Баш вазир бўлиб ҳам фаолият юритади. Бир нечта тилда эркин гаплаша оладиган Томас Морнинг ёлғон тухматларга учраши, сарой амалдорларининг бўхтонларига қолиши натижасида – қатл қилинган. Ундан мерос бўлиб қолган “Утопия” афсонавий мамлакат романида гўзал бир жамият, ҳукуқ ва эркинликлари, мақсадлари кафолатланган мамлакат қуриш истагида бўлган воқеликни ўз ичига олади. Ёзувчи бу асаридан кейин кўплаб таъқибларга учрай бошлайди. Асар марказида ўзининг қисмати ҳақида сўз боради. Чунки бош қаҳрамон Гитлодей билан қилинган катта сухбат ана шу ўзи оролни яратиб, ундаги катта бир орзулари ушаладиган давлат тузиш режаси акс эттирилади. Романинг моҳияти ана шу қисматни кўзлаб ижод қилганлигида ёрқин рангларда намоён бўлади.

Инглиз маърифат адабиётининг йирик вакилларидан бири реалист роман жанрининг асосчиси **Даниэл Дефо** XVIII асрда яшаб ижод этган. У 1660- йил Лондонда фабрикант-коммерсант оиласида дунёга келади. Унга шон-шуҳрат келтирган асари “Робинзон Крузо”дир. Асарнинг 60 ёшга тўлиш арафасида эълон қиласи. Робинзон Крузо кимсасиз оролда 28 йил умр кечириб, маърифатли бир инсоний бардош, куч, жасорати билан умр кечиради. Ана шу умр унинг ҳар қандай даврда енгилмас инсон бўлиб, мухими таслим бўлмаслик илмини теран ўзлаштирганида қабариб кўринади.

Инглиз уйғониш даври романнависларининг кўпчилигида қаҳрамонлик, жасурлик туйғусини ўзида жамулжам этган образлар билан зийнатланганини кўрамиз. Буларни ҳар бирида озодлик, мутелиқдан йириқ бўлиш, инсон ўлароқ яшаб кун кечириш истаклари барқ уради. Даниэл Дефо ҳам ўз романларида ушуб гуманистик концепцияни илгари сургани билан бошқа ёзувчилардан кескин фарқ қиласи десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

## Адабиётлар

1. Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: “Akademnashr”. 2015. –Б.46.
2. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.356.
3. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.80.